

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
_____йил “_____” _____-сонли
қарорига илова

Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш
бўйича услубий низом

Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом (кейинги ўринларда-Услубий низом деб аталади) аҳоли турмуш даражаси тўғрисида статистик маълумотлар олиш мақсадида уй хўжаликларида танланма усулда кузатувларни электрон қурилма (планшет)ларда (кейинчалик–танланма кузатув) ўтказиш ва ташкил этиш тартибини белгилайди.

Уй хўжаликларида танланма кузатувни электрон қурилма (планшет)лар орқали ўтказиш услубияти Жаҳон Банки экспертлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссиясининг (БМТ ЕИК) тавсияларига асосланган.

Уй хўжаликлари танланма кузатуви натижалари ижтимоий жараёнларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қўшимча чораларни ишлаб чиқишда асос бўлади.

Танланма кузатув натижаларидан аҳолининг турмуш даражаси, таълим, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, камбағаллик кўрсаткичларини, истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда, миллий ҳисоблар тизимида уй хўжаликлари сектори ҳисобларини тузишда ва бошқа иқтисодий-статистик ҳисоб-китобларда фойдаланилади.

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатларини шакллантириш учун янги “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол классификацияси-2018”га асосан товар ва хизматларнинг тоифалари ва гуруҳлари бўйича таснифланади.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

- **уй хўжалиги** – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор

юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда, уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас;

- **уй хўжалиги кузатуви саволномаси** – кузатув давомида уй хўжалиги тўғрисида маълумот олиш мақсадида аниқ шакллантирилган саволлар рўйхатидан иборат бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат;

- **интервьюер** – кузатув жараёнида танловга тушган уй хўжаликлари аъзолари билан савол-жавоб (интервью) ўтказадиган ҳудудий статистика бошқармаси ходими;

- **респондент** – кузатув ўтказиладиган уй хўжалигининг интервью саволларига жавоб берадиган аъзоси. Респондент уй хўжалигининг бошлиғи ёки ушбу уй хўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган бошқа аъзоси бўлиши мумкин;

- **уй хўжалигининг умумий даромадларига** пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади;

- **уй хўжаликларининг умумий ва истеъмол харажатлари** – истеъмол ва ноистеъмол харажатлардан таркиб топади. Ўз навбатида, уй хўжалигининг истеъмол харажатлари, истеъмол товарлари ва хизматларини харид қилишга (яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлар сотиб олишга ва пуллик хизматларга) йўналтирилган харажатларни ўз ичига олади. Ноистеъмол харажатларга солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги харажатлар киради;

- **уй хўжаликларида аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли** – уй хўжалигида истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари умумий ҳажмининг (умумий овқатланишни ҳисобга олмаган ҳолда) уй хўжалиги аъзолари сонига нисбати ҳисобланади. Истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий ҳажмига сотиб олинган ва уй хўжалигига тўловсиз келиб тушган (шахсий ёрдамчи хўжалигидан, совғага) шахсий истеъмол учун сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори киради.

2. Уй хўжаликларида танланма кузатув ўтказиш тамойиллари

2. Уй хўжаликлари кузатуви Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ошкора ва ишончли маълумотларни олиш мақсадида танланма усулда ўтказилади.

3. Кузатувлар танлаб олинган уй хўжаликларининг унда ихтиёрийлик тамойили асосида иштирок этиши орқали ташкил этилади. Танловга тушган уй хўжаликларида кузатув бир ой давомида ўтказилади ва шундан сўнг бошқа уй хўжалигига алмаштирилади.

4. Кузатув уй хўжалиги аъзолари билан бевосита сўров (интервью) ўтказишга асосланади.

5. Ҳар бир уй хўжалигида кузатув ўтказиш даврида қуйидаги сўров ҳужжатларини тўлдириш назарда тутилади:

- а) якка тартибда ўтказиладиган сўровнома;
- б) уй хўжалиги сўровномаси;
- в) ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномаси;
- г) АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш қўлами сўровномаси.

6. Танланма кузатув тўплами уй хўжаликлари бош тўпамининг бир қисмини (0,2%) ташкил этади.

Бош тўпам, Ўзбекистон Республикасида мавжуд уй хўжаликларининг умумий сонидан иборат. Бош тўпамга жамоавий уй хўжаликлари, яъни узоқ муддатдан бери шифохонада, қариялар учун интернат-уйларда, мактаб-интернатлар ва бошқа институционал муассасаларда бўлган шахслар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётганлар, ётоқхоналарда яшовчи талабалар ва шунга ўхшашлар қўшилмайди.

7. Уй хўжаликларининг танланма кузатув тўпамини шакллантириш икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда, ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида шаҳар ва қишлоқ учун танловнинг бирламчи бирликлари (ТББ) сони аниқланади. Танловнинг бирламчи бирлиги сифатида шаҳар қатламларида маҳаллалар, қишлоқ қатламларида – қишлоқ маҳаллалари ва қишлоқларидан фойдаланилади.

8. Кузатувларда танловнинг бирламчи birlikларидан ярим йил давомида фойдаланилади, шундан сўнг янгилари билан тўлик алмаштирилади (100% ли ярим йиллик ротация). Шу тарзда, бир йил давомида икки марта ТББ танлови амалга оширилади. Танланадиган ТББлар сони ҳар ярим йил учун 208 тани, бир йилда 416 та ТББни ташкил этади. Ҳар бир ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) учун шу каби рақамлар мос равишда ўртача 15 ва 30 та ТББни ташкил этади.

ТББ рўйхатини шакллантиришда бориш қийин бўлган ва бориб бўлмайдиган ТББлар рўйхатга киритилмайди.

9. Ҳар бир танлаб олинаётган ТББнинг ўлчами рад жавоблари ва бошқа натижасиз қатновларни, шунингдек, ундаги уй хўжаликларининг рўйхати етарли даражада сифатли бўлмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, кузатув ўтказиладиган уй хўжаликлари сонидан кам бўлмаслиги керак.

Агар, бирламчи рўйхатдаги бирор-бир маҳалланинг ўлчами белгиланган энг оз миқдордан кам бўлса, у ушбу шаҳар/шаҳарча ёки қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги бошқа маҳалла билан бирлаштирилиши керак. Агар, бирлаштирилгандан сўнг ҳам маҳаллаларнинг йиғма миқдори аввалгидек белгиланган энг оз миқдордан кам бўлса, уларга яна бир маҳалла қўшилади ва ҳ.к.

Шу тарзда, ҳар бири, бир ва ундан ортиқ маҳаллалардан ташкил топган ТББларнинг якуний рўйхати шакллантирилади. Таркибли ТББнинг уй хўжаликлари рўйхати унга киритилган маҳаллаларнинг барча уй хўжаликларини ўз ичига олади, ТББ номи эса, уларнинг номларидан иборат бўлади.

10. Иккинчи босқичда, ТББ танлови ўтгандан кейин, жойларда кузатув ишларини ўтказишдан аввал, барча танлаб олинган маҳаллалар ва қишлоқларда яшовчи уй хўжаликларининг рўйхати тузилади ва улардан шаҳар ва қишлоқ қатламлари асосида ҳудудлар бўйича оддий тасодифий танлов амалга оширилади.

11. Ҳудудлар бўйича уй хўжаликларини стратификациялашда (қатламларга ажратишда) ҳар бир ҳудуд бўйича танловнинг талаб этиладиган энг оз ўлчовини ва ҳудудлар даражасида натижаларнинг талаб этиладиган аниқлик даражасини таъминловчи номутаносиб усулдан (уй хўжаликлари

сонининг квадрат илдизи асосида) фойдаланилади, ҳисоб-китоблар қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

$$S_i = S \times (\sqrt{Q_i} / \sum \sqrt{Q_{i=n}}),$$

бунда, S_i – i -худуднинг танлов ўлчами;

S – танловнинг умумий ўлчами;

Q_i – қатламдаги уй хўжаликларининг сони;

$Q_{i=n}$ – барча қатламлар бўйича уй хўжаликларининг умумий сони.

12. Шаҳар ва қишлоқ бўйича стратификациялаш мос равишда уй хўжаликлари сонига асосланган. Бунда, қуйидаги формула ёрдамида аниқланадиган муносиб усулдан фойдаланилади:

шаҳар уй хўжаликлари ($S_{i\bar{a}}$) учун:

$$S_{i\bar{a}} = S_i \times (Q_{i\bar{a}} / Q_i),$$

бунда, S_i – i -худуднинг танлов ўлчами;

$Q_{i\bar{a}}$ – i -худуднинг шаҳар жойларидаги уй хўжаликлари сони;

Q_i – i -худуддаги уй хўжаликларининг сони.

қишлоқ уй хўжаликлари ($S_{i\bar{n}}$) учун:

$$S_{i\bar{n}} = S_i \times (Q_{i\bar{n}} / Q_i),$$

бунда, S_i – i -худуднинг танлов ўлчами;

$Q_{i\bar{n}}$ – i -худуднинг қишлоқ жойларидаги уй хўжаликлари сони;

Q_i – i -худуддаги уй хўжаликларининг сони.

13. Худудлар ва шаҳар/қишлоқ бўйича стратификациялаш амалга оширилгандан сўнг, йиллик танловнинг кузатув 12 ойига бўлиниши зарурати бўлганлиги сабабли, танловни қатламлар бўйича ҳисобланган жойлаштиришдан биров фарқ қилган ҳолда ўзгартирилади.

Масалан: Агар, ТББда бир ойда 3 та уй хўжалиги кузатилса, у ҳолда бу ТББда ярим йил учун $3 \times 6 \text{ ой} = 18$ тадан кам бўлмаган уй хўжалиги бўлиши керак.

Ҳар иккинчи уй хўжалиги томонидан “рад жавоби” ёки “уйда ҳеч ким йўқ” жавоблари кутилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, уй хўжаликлари сони камида $18 / 0,5 = 36$ тага кўтарилади.

Уй хўжаликлари рўйхатларининг сифати ёмонлиги, яъни ҳар ўнинчи манзил ноаниқ ёки нотурар-жой секторига тўғри келиши ва ҳ.к. ҳолатларни ҳисобга олиб, ТББнинг энг оз ўлчами $36 / 0,9 = 40$ тагача уй хўжалигига кўпайтирилади.

14. Танланган уй хўжаликлари рўйхати, рўйхат бошидан бошлаб қисмлаб фойдаланилади. Кузатувнинг биринчи оyi учун ушбу рўйхатдаги уй хўжаликларининг биринчи қисми, иккинчи ой учун – биринчи ойда фойдаланилган уй хўжаликларининг охиригисидан кейинги турувчи биринчи уй хўжалигидан бошланган рўйхатнинг иккинчи қисми белгиланади ва ҳ.к.

15. Жорий ой давомида кузатув ўтказилиши мўлжалланган уй хўжаликлари рўйхати жойларда кузатув ишларини бошлашдан олдин интервьюерларга берилади. Рўйхатлар билан ишлаш, қатъий равишда танловнинг тенг эҳтимоллик таъмойилларини бузмаган ҳолда, рад жавоби берган уй хўжаликларини бошқалари билан алмаштиришни назарда тутувчи ва танловнинг белгиланган ўлчамига эришишни таъминловчи кетма-кетлик асосидаги қўшимча танлов ўтказиш усули қоидалари бўйича амалга оширилади.

3. Кузатув дастури

16. Кузатув дастурида маълумотларни йиғиш бўйича бажариладиган куйидаги иш белгиланган:

Кузатув ойида уй хўжаликлари билан якка тартибда ўтказиладиган сўровнома, уй хўжалиги сўровномаси, ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномаси ҳамда АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами сўровномаси бўйича сўров ўтказилади.

17. Якка тартибда ўтказиладиган сўровнома бўйича сўров ўтказиш дастури уй хўжаликлари аъзоларининг демографик хусусиятлари, кўчиб келган ва кўчиб кетган шахслар тўғрисида маълумот (миграция), таълим даражаси, соғлиқ, бандлик, жамғарма ва кредитлар, ижтимоий нафақалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган саволларни қамраб олади.

18. Уй хўжалиги сўровномаси бўйича сўров ўтказиш дастури уй хўжаликларининг даромадлари, 7 кун ичида истеъмол қилинган ва сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол қилинган маҳсулотнинг манбалари (уй хўжалигида ишлаб чиқарилган, совғага олинган, беғараз

ёрдам, меҳнат ҳақи ҳисобига олинган, захирадан олинган, алмаштиришдан, қарзга ва бошқа манбалардан), уй хўжалиги аъзолари томонидан ноозиқ-овқат маҳсулотларга қилинган харажатлар, сотиб олинган ва истеъмол қилинган ёқилғи турлари, хизматларга қилинган харажатлар, уй-жой, коммунал хизматлари, муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги, уй хўжалигининг моддий-ижтимоий ҳолатини баҳолаш ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган саволларни қамраб олади.

19. Ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномасининг сўров ўтказиш дастури уй хўжалиги таркиби, уй хўжалиги аъзоларининг жисмоний машғулотлар билан шуғулланиши ва кузатув ойида уй хўжалиги аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб туристик сафарларни амалга оширилиши, ушбу сафарлар билан боғлиқ харажатларни аниқлаш учун кўзда тутилган.

20. АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами сўровномаси бўйича сўров ўтказиш дастури уй хўжаликларида 10 ёш ва ундан катта ёшдаги аъзоларида АКТ воситаларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги ва кўлами тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган саволларни қамраб олади.

4. Танланма кузатув натижаларини қайта ишлаш ва алоҳида кўрсаткичларни ҳисоблаш

21. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш натижалари бўйича ҳар чоракда даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар 1-иловада келтирилган таркибга мувофиқ шакллантирилади.

Шунингдек, даромад даражаси бўйича аҳолининг табақаланиши тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида, ҳар чоракда ўртача жон бошига умумий даромадлари даражаси бўйича аҳолининг тақсимланиши, фондлар коэффиценти ва Жини коэффиценти ҳисоблаш амалга оширилади (Жини коэффиценти ва фондлар коэффиценти ҳисоблаш намуналари 2 ва 3-иловаларда келтирилган).

22. **Ўртача жон бошига умумий даромадлари даражаси бўйича аҳолининг тақсимланиши** – моддий фаровонлик даражаси бўйича аҳолининг табақаланишини ифода этади ва аҳоли сонини (ёки улушини) жон

бошига умумий даромадлари даражаси бўйича берилган $((X_{\max}-X_{\min})/n)$ оралиқларда гуруҳланган кўрсаткичларни ўзида акс эттиради.

23. Аҳолининг дециль ва квинтиль гуруҳлари бўйича умумий даромадлари жами ҳажмининг тақсимланиши жон бошига умумий даромадлари бўйича ўсиб бориш кетма-кетлигида тақсимланган ҳар бир 10 (20) фоизли аҳоли гуруҳларига тўғри келган умумий даромадлари жами ҳажмининг улуши орқали ифодаланади.

24. Жини коэффиценти (G) алоҳида шахслар ёки уй хўжаликлари даромадларининг ҳақиқий тақсимланишини мутлоқ тенгликдан четланиш даражаси (аҳоли даромадларини тақсимланишида тенгсизлик даражаси)ни ифода этади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$G = 1 - 2 \sum_{i=1}^n x_i cum.y_i + \sum_{i=1}^n x_i y_i$$

бунда, $x_i - i$ - гуруҳдаги аҳолининг улуши;

$y_i - i$ - гуруҳдагиларнинг даромади улуши;

$cum.y_i$ – барча гуруҳларнинг даромадлари улушини йиғиндиси.

Жини коэффиценти (G) 0 дан (мутлақо тенглик) 1 гача (мутлақо тенгсизлик) оралиғида ўлчанади, яъни индекс 1 га қанчалик яқин бўлса, даромадларнинг жамиятда қутбланиши шунчалик юқори бўлади.

25. Фондлар коэффиценти (K_f) юқори даражада таъминланган 10 (20) фоизли ва энг кам таъминланган 10 (20) фоизли аҳоли гуруҳларининг даромадлари умумий (ўртача) қиймати ўртасидаги фарқланишнинг мавжудлигини белгилайди:

$$K_f = S_{10(5)} / S_1,$$

бунда, $S_{10(5)}$ – энг юқори даромадли 10 (20) фоиз аҳолига тўғри келган даромад йиғиндиси;

S_1 – энг кам даромадли 10 (20) фоиз аҳолига тўғри келган даромад йиғиндиси.

26. Асосий даромад манбаи бўйича аҳолининг табақаланиши ишловчи уй хўжалиги бошлиқларининг асосий даромад манбаидан келиб чиқиб амалга оширилади:

- ёлланиб ишловчилар;

- якка тартибдаги тадбиркорлар ва мустақил равишда банд бўлган бошқа шахслар (хунармандлар, эркин касб эгалари ва б.);

- мулкдан даромад олувчилар;
- трансферт олувчилар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар);
- бошқа манбалардан даромад олувчилар.

27. Уй хўжалиги бошлиғининг жинси бўйича даромадларнинг боғлиқлиги ишловчи уй хўжалиги бошлиқларининг якка тартибдаги даромадларини жинсига боғлиқ ҳолда тақсимланишини ифода этади:

- иш ҳақи;
- якка тартибдаги иш ёки бизнес асосида олинган даромад;
- акция ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган дивидендлар ва фоизлар;
- пенсиялар, нафақалар, стипендиялар;
- бошқа даромадлар.

28. Даромадларнинг уй хўжалиги бошлиқларини таълим даражасига боғлиқлиги ишловчи уй хўжалиги бошлиқларининг якка тартибдаги даромадларини уларнинг таълим даражасига боғлиқлигини ифода этади:

- бошланғич ва қуйи;
- тўлиқсиз ўрта;
- тўлиқ ўрта;
- ўрта махсус касб-хунар;
- олий ва юқори.

29. Чорак якунлари бўйича уй хўжаликлари кузатувларининг жами республика бўйича натижалари ваколатли ҳисобланади, ҳудудлар бўйича маълумот йил якуни бўйича ваколатли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Составление планов выборки для обследований домашних хозяйств практические рекомендации” Организации Объединенных Наций, Нью-Йорк 2010 год.
2. Система национальных счетов – 2008, Организация Объединенных Наций, Европейская комиссия, Организация экономического сотрудничества и развития, Международный валютный фонд и Всемирный банк, 2009 год.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 1 апрелдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ялпи ички маҳсулотни яқуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом”.
4. Руководство по стоимостной оценке неоплачиваемой трудовой деятельности по оказанию домашних услуг, Европейская экономическая комиссия Организации Объединенных Наций, Нью-Йорк и Женева, 2017 год.
5. Руководство по измерению бедности, Европейская экономическая комиссия Организации Объединенных Наций, Нью-Йорк и Женева, 2017 год.

“Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш
бўйича услубий низом”га 1-илова

Уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари таркиби

Уй хўжаликлари умумий даромадлари

Уй хўжаликлари пул даромадлари:

- иш ҳақи;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган тушумлар;
- ижтимоий тўловлар (пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар);
- фоиизлар, дивидендлар ва мулкдан олинган бошқа даромадлар;
- бошқа пул тушумлари.

Натура шаклидаги тушумлар қиймати:

Озиқ-овқат маҳсулотлари натура тушумлари қиймати.

Уй хўжаликлари харажатлари

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар;
- спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари;
- кийим ва пойабзал;
- турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари;
- уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш;
- соғлиқни сақлаш;
- транспорт;
- ахборот ва алоқа;
- дам олиш, спорт ва маданият;
- таълим соҳасидаги хизматлар;
- ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари;
- суғурталаш ва молиявий хизматлар;
- маиший товарлар ва хизматлар, ижтимоий ҳимоя ва турли товарлар ва хизматлар.

Уй хўжаликларининг ноистеъмол харажатлари:

- солиқлар, бадаллар ва бошқа мажбурий тўловлар;

- қўчмас мулк сотиб олишга харажатлар;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун харажатлар;
- банк муассасаларига қўйилмалар, акция ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш;
- бошқа турдаги ноистеъмол харажатлар.

“Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш
бўйича услубий низом”га 2-илова

Аҳолини квинтиль (20 фоизли) гуруҳлари бўйича

Жини коэффициентини ҳисоблаш намунаси

Квинтиль гуруҳлари	Квинтиль гуруҳлар- даги аҳоли улуши (X)	Аҳоли умумий даромадларини нғ улуши (Y)	Аҳоли умумий даромадларини нғ улушини йиғиндиси (cum Y _i)	X _i * cumY _i	X _i *Y _i
1 квинтиль	0,2	0,091	0,091	0,018	0,018
2 квинтиль	0,2	0,136	0,227	0,045	0,027
3 квинтиль	0,2	0,174	0,401	0,080	0,035
4 квинтиль	0,2	0,226	0,627	0,125	0,045
5 квинтиль	0,2	0,373	1,00	0,200	0,075
Σ	1,0	1,000	2,346	0,468	0,200

Келтирилган маълумотларга асосан, Жини коэффициентини (G) ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$G = 1 - 2 \sum_{i=1}^n x_i \text{cum}.y_i + \sum_{i=1}^n x_i y_i = 1 - 2 \times 0,468 + 0,200 = 0,264$$

Ҳосил бўлган 0,264 коэффициенти 0 га яқин бўлгани учун, бу аҳоли даромадлари тақсимланишида тенглик даражаси нисбатан юқори эканлигини кўрсатади.

“Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш
бўйича услубий низом”га 3-илова

**Аҳолини квинтиль (20 фоизли) гуруҳлари бўйича
фондлар коэффицентини ҳисоблаш намунаси**

Квинтиль гуруҳлари	Квинтиль гуруҳлардаги аҳоли улуши	Аҳоли умумий даромадларининг улуши (S)
1 квинтиль	0,2	0,091
2 квинтиль	0,2	0,136
3 квинтиль	0,2	0,174
4 квинтиль	0,2	0,226
5 квинтиль	0,2	0,373

Келтирилган маълумотларга асосан фондлар коэффицентини (K_f) ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$K_f = S_5 / S_1 = 0,373 / 0,091 = 4,1.$$

Ҳосил бўлган коэффицент, юқори даражада таъминланган 20 фоизли ва энг кам таъминланган 20 фоизли аҳоли гуруҳларининг умумий даромадлари жами қиймати ўртасидаги фарқланиш 4,1 марта эканлигини кўрсатади.